

Қарор Ва ижро

ИМТИЁЗЛАР САМАРАСИ



Чунончи, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг жаддаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, унинг иқтисодийдаги улушини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида банд бўлганларни кўпайтириш ва шу асосда аҳоли даромадларини ошириш, шунингдек ички ис-

Бугунги кунда республикаимиз иқтисодий бачча соҳалар бўйича ривожланиш йўлидан бормоқда. Агар мустақиллик йилларида амалга оширилган ишларга ҳолисона баҳо берилса, уларнинг салмоғи, кўлами асрларга татигулик эканлиги яққол кўзга ташланади.

теъмол бозорини замонавий, сифатли, турли-туман хизмат турлари билан тўлдирish мақсадларига қаратилган бўлиб, унинг ижросидан кўзда тутилган мақсад халқ турмуш фаровонлигини оширишдир.

Шу мақсадда тадбиркорларнинг фаолиятини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш, мавжуд расмийликни тўсиқларини бартараф этиш ва хизмат кўрсатиш суръатларини ўсишини таъминлаш, қишлоқ жойларда истиқомат қиладиган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва турларини кўпайтириб бориш, мавжуд аънавий хизмат турлари билан бир қаторда янги, истиқболли, жумладан юридик, консалтинг, банк, мо-

лия, сугурта, лизинг ва баҳолаш хизмат турларини жадвал ривожлантириш сингари қатор долзарб масалалар мазкур қарорнинг асосий йўналишларини ташкил этади. Шунингдек, соҳа бўйича кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам қарорда кенг акс этган. Қарор ижроси юзасидан жойларда кенг қамровда таъминли-амалий ишлар олиб боришмоқда.

Хусусан, вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир, — дейди юридик шахслардан бюджетга ундириладиган тўловларни назорат ва таҳлил қилиш бўли-

ми ходими Камолитдин Нуритдинов. — Вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида қарор моҳиятини солиқ тўловчиларга етказиш учун ўтказилган семинар-йиғилишлар яхши самара берди. Айниқса, хизмат кўрсатиш ва сервис корхоналари 2006 йил 1 апрелдан бошлаб уч йил муддатга даромад-фойда солиғидан ва ягона солиқ тўловидан озод қилинишини мамнуният билан қутиб олишди. Қарор қабул қилинган даврд хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 61 тадбиркор фаолият юритган бўлса, бугунги кунда улар 109 нафарга етди. 14 та аудитория фирмаси, 28 та бухгалтерия ҳисобини юритиш, 2 та сугурта компанияси, 6 та лизинг корхонаси, 29 та маиший техника, 7 та пойабзал, 1 та соат таъмирлаш, 2 та ветеринария хизмати, 16 та таълим, 2 та болалар спорти, 2 та ногиронларга хизмат кўрсатиш корхоналари шулар жумласидан

бўлиб, улар юқоридаги қарорга асосан солиқ имтиёзларига эга бўлдилар. Бунинг натижасида 2006 йил давомида ушбу ҳўжалик субъектлари тўлаши лозим бўлган 146,4 миллион сўм фойда-даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови уларнинг эҳтиёжлари учун қолдирилди. 2007 йилнинг биринчи чорағида эса, 30,8 миллион сўм маблағ шу корхоналарнинг ўзида қолдирилган. Юқорида таъкидланганидек, қарор ижросини таъминлашга тўғри ва қонуний асосда ёндошиш натижасида шундай ижобий, самарали кўрсаткичларга эришилмоқда. Бу борадаги фаолиятни келгусида янада ривожлантириш мақсадида вилоят ҳокимлиги савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ижро этилиши лозим бўлган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, тасдиқлади. Хозир белгиланган тадбирларни босқичма-босқич амалга оширишга киришилди.

Бахтиёр АЗИМОВ,
вилоят давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати бошлиғи.

Изчил ислохотлар ўлида

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР



Мамлакатимиз иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этишга қаратилган истиқболли лойиҳалар «Ўзбекқўмир» очик акциядорлик бирлашмасида ҳам изчил амалга оширилмоқда.

— Сўнгги 4-5 йил республикаимиз кўмир саноатини ривожлантиришда туб бурилишлар даври бўлди, — дейди бирлашма бош директори Улуғбек Абдуллаев. — Жумладан, Германиянинг «KRUPP» фирмаси билан ҳамкорликда Ангрен кўмир қонида 2000-2013 йилларга мўлжалланган давлат дастурига мувофиқ кенг кўламли модернизациялаш ишлари давом этмоқда.

Лойиҳага асосан бу йўналишга жами 212 миллион АҚШ доллари миқдориди маблағ сарфланади. 2002 йилда бу ерда кон юзини янгилаш усулда очилган иқтисослашган ротор комплекси ишга туширилди. Оғир юк кўтарувчи «БЕ-ЛА3», «МА3» машиналари ва бошқа техника воситалари сотиб олинди. Натижада иш ҳажми бугунга келиб икки бараварга ошди. Бу йил қончиларимиз давлат шартномасига биноан 17 миллион 590 минг куб метр ҳажмда кон юзини очиш ишларини бажаришда 3 миллион 600 минг тоннадан зиёд

кўмир қазиб олишни режалаштирилган.

Айни вақтда давлат дастурининг иккинчи босқичини амалга оширишга тайёргарлик кўриляптир.

Бу босқичда кўмир қони замонавий техника ва ускуналар билан тўлиқ жиҳозланади. Механизациялашган янги конвейерлар ўрнатилди. Электр, темир-йўл ва бошқа ёрдамчи тизимлар янгиланади, яъни 46 миллион АҚШ доллари ҳажмида иш бажарилади. Айнан шу кон модернизация қилинаётганлиги бежиз эмас. Чўнки, республикаимизда қазиб олинаётган кўмирнинг қарийб 98 фоизи Ангрен кўмир қони ҳисобига тўғри келади.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳудудда яна минг йилларга етадиган кўмир захираси мавжуд. Ушбу саъй-ҳаракатлар яқин беш йил давомида қонида йилга 15 миллион тонна кўмир қазиб олиш имконини беради.

Булардан ташқари, келажда кон ускуналарини таъмирлаш заводи базасида Ўзбекистон — Россия ҳам-

корлигида тоғ-транспорт ускуналарини ишлаб чиқариш ва таъмирлашга ихтисослашган қўшма корхона фаолияти йўлга қўйилади.

Мақсад, кўмир саноатини ривожлантириш, соҳада ислохотларнинг изчиллиги ва ҳаётлигини таъминлашдан иборат. Бу ҳаракатлар самараси юрт фаровонлигига, инсон манфаатларига хизмат қилади.

Бирлашма бошқарув кенгаши Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан ишлаб чиққан дастурда яна шу нарсалар қайд этилганки, бу йил тизимда юздан ортик янги иш ўринлари яратилади, уй меҳнати билан шуғулланувчилар 20 кишига кўпаяди. Аҳоли даромадларини ошириш ҳамда мурувват ишларига бирлашма томонидан 510 миллион сўм, шунингдек, қончиларнинг саломатликларини муостақамлаш тадбирларига эса 400 миллион сўмга яқин маблағ сарф этилади.

Мунаввара ИСОКУЛОВА,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

БЕТАКРОР САНЪАТИМИЗ НАМОЙИШИ

Москвада ҳар йили ўтказиладиган аънавий «Ўзбекистон санъати кечаси» бўлиб ўтди.

У «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил этилди. Жамғарма матбуот хизматининг хабар қилишича, кечада қўллаб меҳмонлар — Россиянинг таълим сийосатшунос ва дипломатлари, Давлат думаси

депутатлари, ишбилармон доиралар вакиллари, маданият ва спорт намояндалари, журналистлар иштирок этган.

Кечада Ўзбекистоннинг ёш истеъдод соҳиблари — турли танлов ва фестиваллар совриндорлари ҳамда

дипломантлари ўз санъатини намоийш этди.

Россия пойтахтида ўтказиладиган «Ўзбекистон санъати кечаларининг таркибий қисми бўлган аънавий бадиий кўргазмада республикаимиз музейларида сақланаётган миллий либослар, ўзбекистонлик мўйқалам усталарининг рангтасвир ва миниатюра

санъати асарлари намоийш этилди.

2005 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Ўзбекистон санъати кечаси» жамоатчилик орасида эътибор қозонмоқда. Зеро, чет элда, хусусан, Ҳамдустлик мамлакатларида Ўзбекистонга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораёттир.

Ў.А.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили



БОЛАЖОНЛАРГА АТАЛГАН СОҒҒА

Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан Чиноз тумани фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими томонидан хайрли тадбир амалга оширилди.

«Соғлом она — соғлом бола» ҳаракатини ривожлантириш доирасида ўтган мазкур тадбир оналик ва болалик масалаларига бўлган эътиборни кучайтириш, ёш ҳамда кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилди.

— Унда «Ижтимоий ҳимоя

йили» Давлат дастурининг моҳияти, оилада маънан етув ва қомил фарзандни тарбиялашда маҳалла, ибратли кексаларнинг ўрни ҳақида сўз борди, — дейди бўлим мудариси Дилноза Алимова. — Шунингдек, «Тошкентдон маҳсулот» очик акциядорлик жамияти, «Жўрабек», «Илҳом ота»,

«Умид» фермер ҳўжаликлари ҳамда «Хосият» ишлаб чиқариш ва тижорат корхонаси ҳўмийлигида ёш оилаларнинг 9 нафар янги чақалоқларига туғилганлик ҳақида гувоҳнома билан бирга болалар аравчаси ва юмшоқ ўйинчоқлар топширилди.

Саид ҲАСАНОВ.

СУРАТЛАРДА:
тадбирдан лавҳалар.
Еркебой БОТИРОВ
олган суратлар.



ЮРТ УЧУН ЯНГИ БОИНГЛАР

Яқинда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳаво кемалари сафида «Dreamliner» («Орзудаги самолёт») деб номланган иккита ноёб, мутолқа замонавий Боинг-787-8 самолёти пайдо бўлади. Тошкентда «Боинг» авиация-космик корпорацияси билан ушбу самолётларни етказиб бериш бўйича шартнома имзоланди.

Ўзбекистон миллий авиакомпаниясининг ушбу самолётларини харид қилиши эса Президент Исом Каримовнинг мамлакатимиз авиациясини ривожлантириш ва уни ҳаёндаги энг илгор авиакомпаниялардан бирига айлантириш борасида кўрсатётган улкан эътибори самараларидандир. Ушбу рағмхури тўғрйли йам-

лакатиимиз пўлат қанотлари янада кучли ва ишончли бўлиб бормоқда. Янги русумдаги «Боинг» самолётларини харид қилишга оид шартноманинг имзоланиши мушаккил Ўзбекистон фуқаро авиацияси тарихида янги уфқларни очмиш шубҳасиз.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, «Ўзбекис-

нинг тегишли буюртмаларини бажарди. Натижада италиялик авиаторлар ҳамкорлики янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини билдирди. Шунингдек, Ўзбекистонда юқори малакали учувчи ва техник ҳўдимларни тайёрлаш йўлга қўйилгани ҳам алоҳида эътиборга эга. Яъни, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида энг янги «Боинг»ларни қабул қилиш ва улардан фойдаланиш учун барча имкониятлар етарли.

А. ИВАНОВА,
Ў.А. муҳбири.

Ғалла — 2007

СИЗ КУТГАН КОМБАЙН

Куйичирчиқ тумани фермер ҳўжаликлари ва муқобил машина трактор парклари Осиё тараққиёт банкнинг узок муддатли имтиёзли кредитлари ҳисобига Германияда ишлаб чиқарилган 21 донга «Класс» ва «Доминатор-130» русумли ғалла ўриш комбайнларини харид қилган эди.

Бу техникаларнинг самарадорлиги ўтган йилнинг ўзида яққол кўринди. Улар ёрдамида 9782 гектар ғалла ўрилиб, қарийб 40 минг тонна дон янчилди. Энг муҳими, бугун «Класс» комбайнларида ўрилса, ҳар гектарда 4-5 центнердан дон тўкилиб-сочилишдан сақлаб қолин-япти.

Келинг, бу ҳақда деҳқонларнинг ўзидан эшитайлик.

— Ўтган йили

жараёнида доннинг тўкилиши 0,13 фоизга тўғри келди.

— Сифатини айтмай-сизми, — сўхбатимизга қўшилиди «Саид Эркин» фермер ҳўжалиги раҳбари Эркин Саидқосимов. — Ўтган йили дон қабул қилиш мавсумида бу комбайнлар билан ғалла ўрган фермерлар топширган доннинг инфосланиш даражаси жуда паст бўлганлиги учун энг кам чегирма ёки устама берилди.

Бу йилги ғалла ўрим-йиғимига ҳам оз фурсат қолди. «Класс» комбайнлари мавсумга шай қилиб қўйилган. Демак, янги мавсумда ҳам дон хирмони баракали бўлишига шубҳа йўқ.

Обид СЎФИХОНОВ.

МАВСУМ ТАРТИБЛИ ЎТАДИ

Вилоят ғаллазорларида мўл ҳосил етиштирилди. Ғалдаги вазифа уни нобудгарчиликсиз ўриб-йиғиб олиш ва талон-торжоликка йўл қўймай, омборларга етиб боришини таъминлашдан иборат.

Ўрим-йиғим мавсумига қатнашиши мўлжалланган «Кейс», «Дон», «Вектор» ва «Класс» русумли 394 та комбайн, 1534 та юк автомашинаси, ёқилғи ташиш техникалари, тракторлар ва тиркамаларнинг ёнгинга қарши ҳолати ва бирламчи ёнгин учуриш анжомлари билан таъминланганлиги текшириб чиқилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Вилоят ички ишлар идоралари ходимлари, хусусан ёнгин хавфсизлиги, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари ходимлари, профилактика инспекторлари, фуқаролар йиғинлари, ҳўжалик раҳбарлари, фермерлар билан ҳамкорликда ғалла майдонларида ёнгин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, нобудгарчиликнинг олдини олиш, ғалла майдонларини мунтазам назорат қилишга алоҳида эътибор қаратаёттирлар. Маҳаллаларда, гузарларда тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Ғалласи ўриб олинган майдонларда сомон ёқиб юборилишининг олдини олиш мақсадида вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари билан ҳамкорликда амалий ишлар бошлаб юборилди. Бу ишга маҳаллий ҳокимлик ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, прокуратура идоралари, фер-

мерлар уюшмаси вакиллари, ички ишлар идоралари ходимлари, маҳалла посьонбонлари ва бошқалар жалб қилинди.

Шунингдек, вилоят ҳудудида жойлашган 14 та дон қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш корхоналари ва машина-трактор паркларида ёнгин ва йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш чоралари кўрилмоқда.

Ғалла ўрими мавсумида ёнгин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган 150 та жамланмадан иборат хавфсизлик буюрғи ташкил этилди. 2000 донга эслатма ишлаб чиқилиб, кўп нусхада тарқатилди.

Дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, қуриш ва қайта ишлаш корхоналарида доннинг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, нобудгарчиликнинг олдини олиш, ғалла майдонларини мунтазам назорат қилишга алоҳида эътибор қаратаёттирлар. Маҳаллаларда, гузарларда тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Ғалласи ўриб олинган майдонларда сомон ёқиб юборилишининг олдини олиш мақсадида вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари билан ҳамкорликда амалий ишлар бошлаб юборилди. Бу ишга маҳаллий ҳокимлик ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, прокуратура идоралари, фер-



наларига, ғаллазорлар атрофларига ҳамда автомабиль йўллари ёқаларига ёнгин хавфсизлигини тарғиб қилувчи 103 та панно ўрнатилди. Мавсумда иштирок этаётган барча турдаги транспорт воситаларини бирламчи ўт учуриш воситалари ва ўқун учирғи билан таъминлаш чоралари кўрилди. Ғалла ўриш комбайнлари 135 та гуруҳга

бирлаштирилиб, ҳар бирига ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари бириктирилди. Дон қабул қилиш пунктларида доимий навбатчилик йўлга қўйилмоқда.

Ўрим-йиғим бошланishiга санокли кўнлар қолди. Ички ишлар ходимлари мавсумни уюшқоқлик билан муваффақиятли ўтказишга ҳисса қўлиш мақсадида кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда қизғин иш олиб бормоқдалар.

Шерали АНВАРОВ,
вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот хизмати катта инспектори.

СУРАТЛАРДА:
ўртачирчиқ тумани ИИБ ёнгин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи Акмал Йўлдошев ёнгин хавфсизлиги қоидаларини тушунтирмоқда; ғаллазорга шундай паннолар ўрнатилиши шарт.
Фахриддин АБДУМАВЛОНОВ
олган суратлар.



БУЛАР – БАРЧАМИЗНИКИ

Бутун жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунини нишонлаш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бу борадаги асосий тadbирлари-дан бўлиб, у ҳар йили 5 июнда дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатда ўтказилади.

Бундан кўзланган мақсад атроф-муҳит муаммоларига дунё жамоатчилигининг эътиборини жалб қилиш ҳамда сиёсий манфаатдорлик ва тегишли ҳаракатларни рағбатлантиришдан иборатдир. Тadbир ташкилотнинг Бош ассамблеяси томонидан 1972 йилда таъсис этилган. Уни ўтказиш учун шу сананинг танлаб олинганлиги бежиз эмас. Гап шундаки, 1972 йилнинг айнан шу кунда Стокгольм шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф-муҳит муаммолари бўйича Конференцияси ўз ишини бошлаган эди. Шундан сўнг атроф-муҳит бўйича БМТ Дастури (ЮНЕП) ташкил топди.

Бутун жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунини чинакам халқ байрами ҳисобланиб, тadbир доирасида спорт байрамлари, кўчаларзорлаштириш, ободончилик тadbирлари, концертлар, фотосуратлар ва журналистларнинг мақолалари, мактабларда иш ва плакатларнинг танлови, гул ва дархат кўчатлари экиш ҳамда чиқиндиларни қайта ишлашга топшириш, ҳудудларда ҳашарлар ўтказиш каби турли тadbирлар уюштирилади. Ушбу айём касб байрами бўлганлиги учун

анъанага кўра шу кунлари атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимлар ўз иш натижаларининг якунларини таҳлил этиб, ютуқ ва камчиликларни сарҳисоб этадилар. Олдиларида турган муҳим вазифаларни бажариш юзасидан аниқ мақсадларга йўналтирилган чора-тadbирларни белгилаб оладилар.

Кўмита ходимлари ушбу айёмга ўзларининг муносиб улушларини қўшдилар. Чунончи, ўтган йиллар мобайнида экологик вазиятни барқарорлаштириш ва вилотиимиз ҳудудидаги табиий муҳит аҳоли учун қулай бўлишига ташкилий-ўқувий томондан ёрдам кўрсатилиб келинмоқда. Ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан табиатни муҳофаза қилишга доир самарали технологиялар жараёнлар, яъни тозалаш иншоотлари, камчиқитли технологияларни жорий этиш, қонун ва меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан назорат олиб борилапти. Атмосфера ҳавосига, очик сув ҳавзаларига зарарли чиқиндилар ташлаётган, Она заминимизни ортиқча булғанишига йўл қўйиб, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зарар етказётган

табиат қушандаларига қарши аёвсиз курашиб келмоқда. Саъй-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, ўтган вақт ичида атмосфера ҳавосига чиқариладиган зарарли чиқиндилар ва очик сув ҳавзаларига оқизиладиган оқавалар 3 баравар камайтирилди. Ҳар йили ўтказиладиган «Тоза ҳаво» тadbирлари жараёнида автоуловлар текширишдан ўтказилиб, уларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини сезиларли даражада камайитиришга эришилди. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишда шу соҳага оид қатор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда тезкор гуруҳ рейдлари уюштирилиб, минглаб дархатларнинг ноқонуний кесилиши, кўйлаб ноёб ҳайвонлар ва қушларга даъди оғчилар томонидан талафот етказилишининг олди олинди.


Шунингдек, вилотиимиз ҳудудидаги ер ости бойликларида фойдаланувчи, уларни қазиб олувчи 100 дан ортиқ корхона тadbиркорлик субъектлари сифатида рўйхатга олинди, қонун ва меъёрий ҳужжат талаблари асосида фаолият олиб боришлари устидан назорат ўрнатилди. Барча корхона, ташкилот ва тadbиркорларга атроф-муҳит муҳофазасига кўрсатилган таъсирини баҳолаш бўйича зарур бўладиган меъёрий ҳужжат (ПДВ, ПДО, ПДС, СВР, ЗЕП, ЗВОС) лойиҳаларини ишлаб чиқишлари ҳамда улар бўйича экологик экспертизанинг ижобий ҳу-

лосаси олинганлиги иш юритишлари-га рухсат берилмоқда.

Бундай натижаларга эришилиши-да кўмита ташкил этилганда унинг тамал тошини қўйган фахрийларимиздан махсус нозирлик бошлиғи А. Абдуқолиқов, ер ва сув муҳофазаси нозирлиги бошлиғи З. Яруллина, ишлаб чиқариш техника бўлими етакчи мутахассиси П. Йўлдошевнинг ҳиссалари салмоқли бўлмоқда. Улардан ўрнат олиб ишлашга ҳаракат қилаётган тажрибали давлат нозирлари Х. Умаров, М. Хасанов, Б. Хошимов, Ангрен минтақавий кўмита раиси Б. Расулов ўз салоҳиятларини ишга солиб, олдимиздаги машаққатли, шу билан бирга хайрли ишларни бажаришга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги байрамона кайфият кунларида Республика ва вилот табиатни муҳофаза қилиш кўмиталари ходимларини, ишимизда ҳамкорлик кўрсатиб, ёрдам бериб келаётган вилот ички ишлар, солиқ, соғлиқни сақлаш, СЭС, боғхона, статистика, фавқулодда вазирлик, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги бошқармалари ҳамда «Экосан» халқаро ташкилоти ходимларига ўз миннатдорчилигимизни билдирмаиз.

Холтўра СУВОНОВ,
вилот табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан

50-модда – «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёт-корона муносабатда бўлишга мажбурдирлар».

54-модда – «Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эғалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт».

55-модда – «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умум-миллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир».

Ҳозир фосфогипс чиқиндиларидан саноат ва қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиш долзарб масалалардан бири бўлиб турибди.

КЕНГАШ ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАЙДИ


Ўзбекистон Фанлар академияси умумий ва но-органик кимё институти билан Олмалиқдаги «Аммофос» корхонаси ҳамкорлигида яратилган технология фосфорли ўғитлар тайёрлашда қўл келди.

Ана шу технологиянинг истиқболини белгилаш мақсадида махсус мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди.

Илмий муассаса ҳузурида фаолият кўрсатаётган ушбу кенгаш таркибига «Аммофос» корхонасининг бош муҳандиси ҳам киритилди.

Акбар АЛИЕВ.

«Қизил китоб»га киритилган



Қизилтомир астраган – Фарбий Тянь-Шаннинг жуда кичик майдонларида сақланиб қолган эндем ўсимлиги. Ер бағирлаб ўсувчи бу ўсимлик кўп йиллик бўлиб, деярли поясиз. Бўйи 3-4 сантиметр келади. Баргининг узунлиги 10-12 сантиметр, улар асосан эллипс шаклида, ўткир учли бўлади.

КАМЁБ ЎСИМЛИК

Устки томони сийрак, пастки томони эса ётиқ туки. 12-15 сантиметр узунлигидаги мустаҳкам гулпояси баргидан узун бўлади. Ноёб ўсимлиқнинг кочаси шишган кўринишда бўлиб, тўр томчилдир. Дуккагининг узунлиги 13-14 миллиметр, эни 0,5 сантиметр. Июнда гуллаб, июлда меваси етилади.

Ўсимлик вилотиимизнинг Чотқол тизмасидаги Оксикотасой, Бошқизилсой ҳамда Серкали сойларда тарқалган. Денгиз сатҳидан 1800-

2000 метр баландликдаги тош-шағалли ёнбағирларда ўсади. Умумий сони 3,4-4 минг туғдан ошмайди. Шу кунгача олти жойда борлиги аниқланган.

Эндем ўсимлиги уругидан кўпаяди. Ҳозирги кунда унинг кўп қисми Чотқол биосфера қўриқхонасида муҳофаза қилинади. Ўсимлик тарқалган жойларни ҳисобга олиш, биологик, экологик ҳусусиятларини ва табиатда қам учраши сабабларини аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Табиат ва ИНСОН

Тошкент вилоти табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси саҳифаси

Шу йилнинг апрель-май ойларига вилот ҳудудидаги автотранспорт воситаларидан фойдаланувчи корхоналар, уларга техник хизмат кўрсатувчи ва ёқилғи қуйиш шахобчаларида «Тоза ҳаво» ойлигининг биринчи босқич тadbирлари ўтказилди. Бун-

да Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан тасдиқланган қўшма буйруқ асосида вилот ДСЭНМ, ИИБ, ЙХХ, «Ўзнефтьгаззорат» ходимлари билан ҳамкорлик қилинди.

ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

Шаҳар ва туманлар кўчаларида тadbирни тарғиб қилувчи шиорлар ўрнатилди, ташкилот, корхона, муассаса ва маҳаллаларда унинг моҳияти тўғрисида суҳбатлар ўтказилди. Тadbир давомида 36 та автокорхона ва 1 та автотеххизмат устaxonаси кўриқдан ўтказилди.

«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун талаблари бузилиши юзасидан аниқланган ҳолатлар бўйича 5 та мансабдор шахсга 62,1 минг сўм миқдордаги жарима солинди ва ундириб олинди.

Бундан ташқари, ойлик давомида вилот йўлларига 12 та қўзғалмас ва 3 та ҳаракатдаги экологик ЙПХ



масканлари ташкил қилинди. Бунда асосий эътибор «Тошкент-Олмалиқ», «Тошкент-Бекобод», «Тошкент-Чиноз» йирик автомобиль йўлларидидаги экологик назорат текширувларига қаратилди. Экологик носоз автотранспорт воситалари жойида соزلанди ва таъмирланди. ЙХХ ходимлари томони-

дан 46325 та транспорт воситаси текширилиб, улардан 4962 тасида зарарли моддалардан ортиқлиги аниқланди, 460 та ҳайдовчига нисбатан маъмурий чоралар қўрилди.

Автотранспорт воситаларидан чиқаётган зарарли газ ва тўтун ортиб бораётганлигини эътиборга олган ҳолда, вилот табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси бу соҳадаги ишларни доимий назорат остига олган.

Асан ЙЎЛДОШЕВ,
атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш махсус нозирлиги бошлиғи вазифасини бажарувчиси.

Олам ажойиботлари

ҚУЁШ СЎНАДИМИ?

Қуёш ва юлдузлар ҳарорати жуда юқори (ўн миллион градусдан ортиқ) ва босими катта бўлган газсимон шарлардир. Қуёшнинг нур сочиши ҳам бошқа юлдузларникига ўхшайди. Унинг ичидаги водороднинг гелийга айланиш реакцияси вақтида ядро (атом) энергияси ажралиб чиқади. Ҳозирги вақтда қуёш массасининг камида 60 фоиз водороддан иборат. Бу «ёқилғи» қуёшнинг энг камида бир неча миллиард йилгача нур сочиб туриши учун етарлидир.



ЭНГ КАТТА БАРГЛИ ЎСИМЛИК

Амазонка дарёсининг кенг қирғоқларида, ҳавоси иссиқ ва нам бўлган ғоят қалин тропик ўрмонларда чиройли Виктория – Регина ўсимлиги ўсади. Унинг барғи жуда катта бўлиб, диаметри икки метрдан ошади. Устига икки-уч яшар бола ўтказилса, бемалол кўтиради. Виктория гулининг диаметри ҳам кичик эмас, у 40 сантиметргача етади.



ЖОНЛИ БЕЗАКЛАР

Мексиканинг кўп қизлари тўнғоч ўрнидаги нафис занжирларга тирик қўнғизларни тақиб юрадилар.

ГУЛ ВА АТИР

Атиргулнинг 500 килограмм ёки 35 миллион сара гул тохи баргидан бир килограмм атир мойи олинади. 1 литр аёло сифатли атир тайёрлаш учун эса, бу мойнинг икки томчиси kifoya.



АСАЛАРИ МЕҲНАТИ

100 грамм асални ҳашпаш дегунча, еб қўямиз. Лекин асалари шунча асални йиғиш учун 190 минг гулдан «бўса олиши»ни ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз.



СОМОН ЁҚИШ – КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Ҳар йили деҳқон ва фермер ҳўжаликлари раҳбарлари махсус огоҳлантирилишига қарамай, жойларда галладан бушаган майдонлардаги сомонларни ёқиб юбориш ҳолатлари ҳамон учраб турибди.

Ўтган йили кўмита давлат нозирлари томонидан «Мадианабону» фермер ҳўжалиги раҳбари Ж. Расулов, фуқаро К. Маматбоев ва бошқа бир қатор фермер ҳўжаликлари бошликлари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 88-моддасига мувофиқ чора қўрилади. Бунда фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш баробаригача, мансабдор шахсларга эса ўн баробаригача миқдорда жарима солинади. Жарима миқдори тупроқ балл бонитети ва бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги билан белгиланади. Етказилган зарар тупроқ таркибига асосий элементлардан гумус ва азотнинг йўқотилган миқдоридан келиб чиқиб ҳам белгиланади.

Сомон ёқиши натижа-сида тупроқ умумдорлиги пасайиб, гумуснинг 12

фоизи, азотнинг 7,5 фоизи йўқолиши аниқланган. Натижада 1 гектар тупроқ умумдорлиги 41 балл, ўртача ҳосилдорлик эса 24 центнер бўлган ер майдонига сомон ёқиши-ни сабабли тупроқ умумдорлигининг пасайиши билан йўқотилган ҳосил гектарига 4,68 центнергача боради.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ва унинг ҳудудий кўмиталари томонидан сомон ёқиши-га йўл қўйган қонунбузар-лар маъмурий жавобгарлик-ка тортилди. Кўмитага ер эгалари, ундан фойдаланув-чилар ҳамда ижарачилар ва бошқа фуқаролардан со-моннинг ёқиши билан етказилган зарарни унди-риб олиш ваколати берил-ган.

Мурод ШОМЕТОВ,
Оҳангарон минтақавий табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси етакчи мутахассиси.



Ҳаётда ўз олдига қўйган орзу ва мақсадларни рўёб-га чиқариш учун ҳар бир инсон бирор-бир касб билан шуғулланиши лозим. Шу билан бирга касбига бўлган меҳри, унинг севиб ардоқлаши ва маҳоратини тинмай ошириб бориши билангина жамиятда ўз ўрнини эгаллаши мумкин. Тошкент ирригация ва мелiorация институтини имтиёзли диплом билан битирган Абдумуталлиб ака ҳам ўз фаолиятини ёшларга билим бериш, уларга ҳар томонлама ўрнак бўлишдек сөрмашаққат соҳадан бошлади. Узи тугатган илмгоҳда 20 йил ўқитувчилик қилди. Лойиҳалаш институтида турли лавозимларда ишлаб, касб маҳоратини оширишга эришди.

Шу йиллар давомида Сурхондарёдаги Тўпалған сув омбори қурилиши, янги ерларни ўзлаштириш, уларнинг мелiorатив ҳолати яхшилаш, Хоразм вилоти қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришда ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиб бўйича илмий ишлар қилди. Ишлаб чиқариш жа-

БИЛИМДОН ВА ТАЛАБЧАН

Ҳозирги даврнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлган экологик вазиятни барқарорлаштириш соҳасида фаолият олиб борувчи Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, унинг жойлардаги тизимлари, ташкилот, корхоналар таркибидидаги табиат муҳофазаси бўлимлари, нодавлат ва кенг жа-

раёнининг ривожланиши, табиий бойликларга талаб кескин ошиши, шу туфайли, атроф-муҳит муҳофазасига доир муаммоларнинг кескинлашуви, уларни ҳал этишга эътиборни қулайтириш муҳим бўлган паллада Абдумуталлиб Абдуқолиқовни кўмитага нозирлик бошлиғи лавозимига тақ-лиф этишди. Ушанда у қишлоқ ҳўжалик экинлари зарарқунданларига қарши ишлатиладиган, инсон ва атроф-муҳит учун ўта хавфли бўлган захарли кимёвий воситалардан фойдаланиш-ни чеклаш, кейинчалик эса бутунлай тақиқлаш йўлида жонбозлик кўрсатди. Қуч-луқ кишлоғидаги захарли кимёвий воситалар омбор-лари ишини тўхтатиш, улар ўрнига атроф-муҳит учун зарарсиз ҳамда биологик усул билан ишлов бериш-да самарали бўлган 28 та биолаборатория ишини йўлга қўйишда ҳам А. Абдуқолиқовнинг ҳиссаси кат-та.

1994 йили эса фидойи инсон Юртовчиимиз ташаб-буси билан ташкил этилган «Экосан» халқаро ташкилотининг вилот бўлими ди-ректори этиб тайинланди. Бу вақтда у ўзининг экологик билимларини вилот

моатчилик вакиллари орасида жуда кўплаб табиатсе-варларни учратиш мумкин. Шундай инсонлардан бири Абдумуталлиб Абдуқолиқовдир. У вилот кўмитасида узоқ йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган, кўмита ташкил этилганда унинг тамал тошини қўйишга бош-қош бўлганлардан.

га йўл қўймасликка, Қизил китобга киритилган турлар-нинг сақланиши ва қўпай-ишига ҳам муносиб бўлини яратди. Жумладан, бундан тўрт йил аввал «Юнусобод-Фишқўприк» йўналишидаги автомагистраль ёқисида йўл таъмирлаш ишлари чоғида савлат тўкиб турган 273 тул дархат кесилишдан сақлаб қолинган. Айниқса, у дайди овчилар, яъни табиат бойликларининг қушандаларига нисбатан аёв-сиз кураш, қонунбузарлар-га маъмурий жазо қўйлаш, улар устидан қўзғатилган ишларни ҳўжалик судлари, прокуратура органларида қўриб қилиши жараёнида табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини химоя қилишда экологик ҳуқуқий билимларини тўла намоён этди.

Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ислохот-ларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш, мавжуд муаммо-ларни мутахассислар, жа-моатчилик ҳўкимига ҳавола этиш мақсадида 2005 йил-да Ўзбекистон Миллий уни-верситети журналистика

Абдукарим АБДУРАИМОВ,
кўмита бўлим бошлиғи.

Саҳифа материалларини вилот табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси мутахассиси Қобилжон СОҚИЕВ ва «Тошкент ҳақиқати» муҳбири Хурида НАЗАРОВА тайёрлашди.

МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

5 июнь – Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунини муносабати билан Бўстонлик туманидаги «Оқтош» оромгоҳида «Оқтошни асрайлик!» ҳамда «Табиат бу – ҳаёт» мавзулидаги тadbирлар ўтказилди. Улар вилот табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг ташаббуси ва ҳомийлигида ташкил этилди.

Тadbирда ўз фаолияти давомида катта ютуқларга эришган бир гуруҳ мутахассис-лар фахрий ёрлик ва кимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Айниқса, кўмита раисининг биринчи ўринбосари Холтўра Сувонов, ер ва сув назорати махсус но-

зирлиги бошлиғи Зулфия Яруллина ҳамда бош ҳисобчи Гулбаҳром Ориқбоевнинг хизматлари юксак баҳоланди.

Тadbирлар давомида келиб тушган маб-лағлар «Экосан» халқаро ташкилотининг ви-лоят бўлими ҳисоб рақамига ўтказилди.

